Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 2 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 252 (13.315)

Баҳоси эркин нархда

Сайлов – 2016

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида 2016 йил 1 декабрь куни Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолари, сиёсий партиялар вакиллари, халқаро кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мажлисда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Хусусан, сайлов округлари ва участкаларида хавфсизликни таъминлаш, сайлов комиссияларининг сайлов куни ишлаши учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан масъул вазирлик ва идоралар вакилларининг ахборотлари тингланди.

5-Навоий ва 10-Тошкент вилояти округлари сайлов комиссиялари раислари сайловга тайёргарлик кўриш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

Йиғилишда халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар кузатувчилари, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитация қилиш масаласи кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Б.БОЗОРОВ

БУТУНЖАҲОН САЙЛОВ ОРГАНЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ КУЗАТУВЧИЛАР МИССИЯСИ ИШ БОШЛАДИ

Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси (БСОА) Бош котиби Ким Ён Хи 2016 йил 1 декабрь куни Тошкентга келди. У Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш бўйича Ассоциация миссиясига етакчилик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари К.Одилов БСОА кузатувчилари миссияси аъзолари билан учрашди.

Учрашув чоғида Миссия аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш доирасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Сайлов кампанияси сайлов қонунчилиги талаблари ҳамда демократик принципларга мувофиқ равишда очиқ ва ошкора ўтказилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси таъсисчиларидан бири ҳисобланади. Ташкилот 2013 йил октябрь ойида ташкил этилган бўлиб, қароргоҳи Корея Республикасининг Инчхон шаҳрида жойлашган. Ҳозирги пайтда БСОА 102 мамлакатнинг 106 сайлов органини ўзида бирлаштирган.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиш учун мамлакатимизга келган Кувайт Ахборот вазирлиги Давлат котибининг ёрдамчиси Хейла Хамад Аль-Мекеими хоним билан учрашув бўлиб ўтди.

ХАЛҚАРО МЕЗОНЛАРГА МОС

Меҳмонга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси И.Абдуллаев мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов қонунчилигига сайлов жараёнини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш бўйича киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг иш тартиби, партиялар фаоллиги ҳамда оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш борасидаги янгиликлар ҳақида сўзлаб берди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Кувайт ўртасидаги ҳамкорлик янада ривожланиб, ўзаро манфаатли алоқалар мустаҳкамланиши ҳар иккала давлат учун муҳимлиги қайд этилди.

– Президент сайлови мамлакатингиз истиқболи, иқтисодий-маънавий тараққиётининг бардавомлигини белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этади, – дейди ЎзА мухбирига Хейла Хамад Аль-Мекеими хоним. – Сайлов жараёнида жаҳоннинг қирқ олти мамлакати ва қатор халқаро ташкилотлардан кузатувчилар қатнашаётгани Ўзбекистонга бўлган улкан қизиқиш ва эътиборнинг амалий ифодасидир. Биз сиёсий жараёндаги барча баҳс-мунозара, мулоқот ва ахборотларни тезкорлик билан аҳолига етказишга хизмат қилаётган пресс-клубда бўлиб, номзодларнинг сайловолди дастурлари билан яқиндан танишдик. У ерда партиялар аъзолари ўртасида ўзаро ҳурмат билан ўтказилаётган баҳс-мунозараларнинг гувоҳи бўлдик. Сайловолди кампаниясининг юқори даражада ташкил этилгани одамларга муносиб номзодни танлашга ёрдам бериши билан бирга, Президент сайлови жараёнининг эркин, очиқ ва ошкора ўтаётганидан дарак беради.

С.ШОЕВА

ЎзА мухбири мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёни билан танишаётган халқаро кузатувчи, Болтиқ халқаро академияси проректори Инна СТЕЦЕНКО билан суҳбатлашди.

Инна СТЕЦЕНКО:

КАТТА ИРОДА КУЧИГА ЭГА ХАЛҚ ЮКСАКЛИККА ЭРИШАДИ

– Инна Петровна, айтингчи, Ўзбекистон Президенти сайловида сиёсий партияларнинг роли оширилгани қандай аҳамиятга эга?

– Ўзбекистонда Президент сайловида сиёсий партияларнинг роли оширилгани демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган принципиал қадамлардан биридир. Ушбу сайлов жараёнида сиёсий партияларнинг сайловда қатнашиши учун қонун асосида енгиллик берилган.

Мамлакатингизда конституциявий асосда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи мавжудлиги ҳам улар ўртасидаги муносабатларда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлайдиган самарали тизим барпо этилганини кўрсатади. Бундан келиб чиқадики, ҳар бир соҳа ўз иши билан мустақил равишда, чуқурроқ шуғулланади ва ўз йўналишида кўпроқ ютуқларга эришади ва бу мамлакат ривожида муҳим ўрин тутади.

Мавжуд тўртта сиёсий партия ҳам ўз йўналиши ва мақсадларига эга. Сайлов кампанияси жараёнида уларнинг барчасига қонунга мувофиқ тенг ва кенг шарт-шароит яратилган. Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилоятининг бир неча ҳудудларида бўлганимда бунинг амалий ифодасини кўрдим.

Ўзбекистонда ушбу соҳада қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар сайловнинг адолатлилик, очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик принциплари асосида ўтишига шароит яратган.

– Президентликка номзодлар ўртасида рақобат муҳитини қандай баҳолайсиз?

– Сайлов жараёнида соғлом рақобат энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Сайлов кампанияси давомида барча партиялардан кўрсатилган номзодларга бир хил шарт-шароит таъминлаб берилгани, бу жараённинг мониторинг қилиб борилаётгани, бунга нафақат миллий, балки хорижий кузатувчи ва экспертлар ҳам жалб этилгани энг юқори демократик талабларга мувофиқ келади.

Қаерда сайловга оид реклама воситалари, баннерлар бўлса, барчасида тўртта номзоднинг бир хил даражада тарғиб этилаётганини кузатиш мумкин. Уларнинг ҳеч бирига алоҳида ёндашув ёки қандайдир чеклашлар мавжудлигини учратмадим.

– Сайлов участкаларининг фаолияти сизда қандай таассурот қолдирди?

– Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида, Ховос туманида ўнга яқин сайлов участкасида бўлдим. Барча сайлов участкаларида юксак даражада тайёргарлик ишлари амалга оширилган. Уларни бемалол инновацион участкалар, деб аташ мумкин. Чунки сайлов участкалари барча зарур техника ва ахборот-коммуникация воситалари билан тўлиқ таъминланган.

Энг муҳими, сайловчиларга барча қулайлик яратилган. Она ва бола, тиббиёт ҳоналари эътиборимни тортди. Ногиронлар учун махсус шарт-шароит яратилган. Бу оддий қулайлик эмас, балки мамлакатингизда шаклланган юқори ижтимоий ҳимоянинг ажралмас бўлагидир.

Сайлов участкаларида муддатидан олдин овоз бериш қонун талабларига мувофиқ ўтказилаётганига гувоҳ бўлдим.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ҳозирги кунда глобал иқтисодиётда компьютер ва телекоммуникация технологиялари, дастурий таъминот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва улар асосида кенг турдаги интерфаол хизматлар кўрсатишни ўз ичига олган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг роли тобора ортиб бормоқда.

ЁШЛАР ЯРАТГАН ДАСТУРЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Халқаро экспертларнинг фикрига кўра, жаҳон миқёсида яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг тахминан 5,5 фоизи ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига тўғри келмоқда. Жанубий Корея, Швеция, Америка Қўшма Штатлари сингари мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулотида ахборот-коммуникация технологияларининг улуши юқори фоизларни ташкил этади.

Мамлакатимизда мазкур тизимда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар барча соҳаларга ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, соҳага оид илмий изланишлар олиб бориш, янги дастур, лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш, олим ва ёш олимларни қўллаб-қувватлаш имконини бермоқда. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг иқтидорли талабалари томонидан яратилган янги лойиҳа ва дастурлар соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшаётир. Университетнинг телевизион технологиялар факультети талабаси Муҳаммаджон Маҳамаджонов яратган дастурлар мутахассислар томонидан юқори баҳоланган.

Муҳаммаджоннинг "Маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятини автоматлаштирувчи дастур", "Android мобиль платформаси учун ахборот хавфсизлигини таъминловчи илова" ҳамда "Android мобиль платформаси учун 3D моделлар иловаси" дастурлари учун муаллифлик гувоҳномалари берилди. Ҳозирги кунда изланувчан талаба устозлари кўмагида рангли тасвирларни сегментлаштириш усул ва алгоритмлари ҳамда Android платформалари иловаларини яратиш устида изланмоқда.

Талабанинг илмий мақолалари нафақат юртимиздаги, балки Бирлашган Араб Амирликлари, Россия, Украинанинг илмий нашрларида ҳам чоп этилмоқда. У 2015 йилда талабалар ўртасида ўтказилган "Компьютер графикаси" республика фан олимпиадасида биринчи ўринни эгаллади. Университетда ташкил этилган "Intellectual generation of Uzbekistan" танловида ҳам фаол иштирок этди. Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар IX Республика ярмаркасида қатнашиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг дипломи билан тақдирланди.

Иқтидорли талаба жорий йилда Абу Райҳон Беруний номидаги давлат стипендияси соҳиби бўлди.

– Мамлакатимизда ёшларга замонавий касб-ҳунар танлаш, салоҳияти, иқтидорини тўлиқ намоён этиши учун барча имконият яратилган, – дейди Муҳаммаджон. – Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг биз, ёшларга қарата сизларга ишонаман ва суянаман, деган фикрлари доим бизга катта руҳ ва ишонч бағишлайди.

Иқтидорли талабанинг мазкур дастурлари жорий йилда ўтказилган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар IX Республика ярмаркасида намойиш этилди ва олимлар, иштирокчиларнинг ижобий баҳосига сазовор бўлиб, диплом билан тақдирланди.

Тошкент ахборот технологиялари университетида иқтидорли талабаларни тўғри йўналтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Иқтидорли талабаларни излаш, аниқлаш ва мақсадли тайёрлаш" тўғрисидаги низомига мувофиқ университетда таҳсил олаётган иқтидорли талабалар саралаб олиниб, улар инновацион гуруҳлар ва профессор-ўқитувчиларга бириктирилади.

Талабаларнинг билимини аниқлашда нафақат уларнинг интеллектуал салоҳияти, балки хорижий тилларни пухта ўрганган бўлиши, гуманитар фанлардан хабардорлиги инобатга олинади.

Ҳозир университетда 25 инновацион гуруҳ, яъни илмий мактаблар шакллантирилган. Бу илмий мактаблар 35 ташкилот билан фан, таълим ва ишлаб чиқариш соҳаларида инновацион ҳамкорликни самарали йўлга қўйган. Бу ташкилотларда 77 илмий-технологик масала ўрганилмоқда.

– Таълим муассасамизда янгилик яратиш, илмий-техник ижодкорлик қилиш учун барча шароит муҳайё. Ўқув хоналари ва лабораториялар замонавий жиҳозлар билан таъминланган, – дейди Тошкент ахборот технологиялари университетининг фан, таълим ва ишлаб чиқаришда инновацион ҳамкорлик маркази раҳбари Жасурбек Сайфиев.– Мунтазам равишда семинар-тренинглар, кўрик-танловлар ўтказилиб, лойиҳалар билан ишлаш бўйича машғулотлар олиб борилади. Натижада изланувчан талабаларимизнинг нафақат мамлакатимиз, балки халқаро миқёсдаги танловлардаги иштироки ҳам кенгайиб бормоқда.

Бир сўз билан айтганда, университетда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш учун барча имкониятлар яратилган. Бу Бош Қомусимизда кафолатланган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига, юртимиз тараққиётига хизмат қилаётир.

Гўзал САТТОРОВА,
ЎзА мухбири

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Бухорода умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида "Конституция – бахтимиз пойдевори" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Танловда ўқувчиларнинг ижодий ишларида Конституциямиз мазмун-моҳияти, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишдаги аҳамияти ҳаётий мисоллар асосида нечоғли ёритилгани баҳоланди.

• Гулистонда "Ўзбекистон – умумий уйимиз" шиори остида республика дўстлик ва маданият фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль доирасидаги тадбирларда вилоятдаги рус, қозоқ, қирғиз, озарбайжон, корейс ва бошқа миллий маданият марказлари фаолиятига оид кўргазмалар намойиш этилди. Вилоят миллий маданият марказлари бадиий ҳаваскорлик жамоалари ва вилоят санъаткорлари ижросидаги концерт дастури иштирокчиларга байрамона кайфият бағишлади.

• Жиззахда Журналистларни қайта тайёрлаш маркази, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида "Оммавий ахборот воситалари салоҳиятининг ўсиши – миллий журналистика сифатини ошириш йўли" мавзусида семинар ўтказилди.

ЖАҲОНДА

• Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти жорий йилнинг 1 февралидан Зика вируси туфайли глобал миқёсда амалда бўлган фавқулодда холат режимининг тугалланганлигини эълон қилди. Таъкидлаш жоизки, Зика вирусига чалинган беморлар 75 та мамлакатда қайд этилган.

• Жорий йилда Италияда Ўртаер денгизи орқали кириб келаётган муҳожирлар сони 176 мингдан ошгани ҳолда 2014 йилдан буён энг юқори даражага етган. Мамлакат ҳукумати уларни озиқ-овқат билан таъминлаш ва зарур шарт-шароит яратиш борасида муаммоларга дуч келмоқда.

Сайлов – 2016

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш учун мамлакатимизга турли хорижий давлатлардан кузатувчилар ва экспертлар келиши давом этмоқда. Улар сайловга тайёргарлик ишлари билан яқиндан танишмоқда. ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлди.

Сўз – халқаро кузатувчиларга

ОЧИҚЛИК, ОШКОРАЛИК ВА ДЕМОКРАТИЯ РУҲИДА

Ги ОЛИВЬЕ ФОР, Сарбонна Париж V университети профессори, халқаро алоқалар бўйича мутахассис:

– Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлига эга давлат. Шу боис унинг катта сиёсий воқеа саналган сайлов жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тажрибаси бошқа давлатлар учун жуда қизиқарли.

Мен Ўзбекистон ҳақида кўп ўқиганман, эшитганман. Бу ерга сафарим таассуротларимни янада бойитди. Бу заминга илк қадамимдан иликлик, бағрикенгликни ҳис этдим. Бу нафақат одамлар чеҳрасида, балки шаҳар қиёфасида ҳам мужассам. Айниқса, мамлакатингиздаги тинчлик-осойишталик диққатга сазовор. Барча давлатлар билан, хусусан, қўшни халқлар билан биродарлик алоқалари мустаҳкамлиги таҳсинга лойиқ.

Сайловга катта тайёргарлик кўрилган. Давлатнинг асоси ҳисобланган қонунчиликнинг мустаҳкамлиги, унинг халқаро стандартларга мувофиқлиги сайловнинг демократик талаблар асосида ўтишига хизмат қилади. Демократиянинг муҳим тамойилларидан бири бўлган очиқликни таъминлаш учун мамлакатингизга кўплаб давлатлардан кузатувчилар келаётгани ҳам эътиборга лойиқ.

Муҳаммад ҲУСАЙН АЛ-ФИЛИ, Кувайт университети профессори:

– Ўзбекистон буюк тарихга эга давлат. Бу ерда етишиб чиққан Абу Райҳон Беруний, Абу Мансур Мотуридий, Имом Бухорий каби алломалар қолдирган бебаҳо мерос дунё илм-фани, муборак ислом оламини ёритиб турибди. Ўзбек халқи ана шундай бақувват илдиздан қувват олиб, порлоқ келажагини қураётир.

Президент сайловининг юксак демократик талаблар асосида ўтиши учун барча шарт-шароит яратилган. Очиқлик, ошкоралик мезонларига таянилаётгани ҳам Ўзбекистонда ўзига хос мустаҳкам давлат тизими борлигини кўрсатиб турибди. Халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши учун барча шароит таъминлаб берилаётгани ҳам эътиборга сазовор.

Мина СИНГХ РОЙ, Мудофаа тадқиқотлари ва таҳлили институтининг илмий тадқиқотчиси (Ҳиндистон):

– Ўзбекистонда кўплаб халқаро конференцияларда иштирок этганман. Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларда бўлганман. Инсонларнинг самимий чеҳраси, меҳр-оқибати, юртингиз табиатининг мўътадиллиги мени ҳар сафар ўзига чорлайди. Ҳар сафар келганимда янги-янги иншоотларга, юртингиз ҳар соҳада ривожланиб бораётганига гувоҳ бўламан.

Тошкент шаҳридаги кўплаб сайлов участкаларида бўлдик. Ўзбекистон миллий сайлов қонунчилиги энг юқори демократик талабларга жавоб беради. Фуқаролар ўзлари истаган номзодга яширин тарзда овоз бериши учун янада кенг имкониятлар яратилган, ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари кучайтирилган.

Ўзбекистондаги тинчлик ва осойишталик, барқарорлик ва ҳамжиҳатлик муҳитига ҳавас қилса арзийди. Сафаримиз давомида Фарғона вилоятидаги сайлов участкалари фаолияти билан танишишни режалаштирганмиз.

Чжен ЦИ, “China daily” газетаси мухбири (Хитой):

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ишлари юқори савияда ташкил этилган. Бу жараёнда халқаро кузатувчилар билан бир қаторда оммавий ахборот воситалари вакиллари, жумладан, хорижлик журналистларнинг фаол иштирок этиши учун ҳам қулай имконият яратилгани сайловни очиқлик, ошкоралик ва демократия талаблари асосида ўтказишда муҳим омил бўлмоқда.

Мен илгари ҳам юртингизда ўтган сайловларда иштирок этганман. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистонда жамиятда демократик ислоҳотларни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг иштироки тобора кенгайиб бораётир. Сайловолди ташвиқотини олиб боришда ҳам ОАВ имкониятидан оқилона фойдаланилади. Президентликка номзодларга ОАВдан фойдаланишда тенг имкониятлар яратиб берилади.

Сайловни ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ва округ сайлов комиссиялари қошида матбуот марказлари ташкил этилган. Улар замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган. Пресс-клубнинг очилиши Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари фаолияти тобора ривожланиб, демократик ислоҳотлар жараёнида журналистларнинг ўрни ортиб бораётганини намоён этади.

Мазкур сиёсий тадбирни бутун дунё аҳли, жумладан, Хитой халқи ҳам катта қизиқиш билан кузатмоқда. Мен Бухоро ва Самарқанд вилоятларидаги бир неча сайлов участкаларида бўлиб, сайлов жараёнини ёритишни режалаштирганман.

Сафир Ҳуссайн ШОҲ, “Election Times” газетаси бош муҳаррири (Покистон):

– Илгари ҳам Ўзбекистондаги сайловларда иштирок этганман. Бу жараён ҳар сафар юртингизда очиқ ва ошкора, замон талаблари асосида ташкил этилади. Бу йилги Президент сайловига кўрилаётган тайёргарлик ва сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари юксак баҳога лойиқ. Янги ташкил этилган пресс-клубда журналистлар учун барча шарт-шароит етарли. Нашримизга Ўзбекистондаги Президент сайловига тайёргарлик бўйича иккита мақола беришга улгурдим.

Президент сайловининг юртингиз равнақи, халқингиз фаровонлигини кафолатлашдаги аҳамияти ниҳоятда улкан. Сайлов тизимининг очиқ-ошкоралигини таъминлаш, фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин билдириши учун ҳуқуқий асослар янада мустаҳкамланишига имкон яратилган. Бу сайлов билан боғлиқ барча тадбирларнинг демократик талабларга мос равишда ўтишига хизмат қилмоқда.

Виолен де ВИЛЬМОР, Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

– Ўзбекистондаги фаолиятимни яқинда бошладим. Тошкент шаҳри, халқингизнинг бетакрор маданияти мени ўзига мафтун этди. “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида ташкил этилган Ёшлар симфоник оркестри концертидан, ёшларингизнинг иқтидори ва санъатга муҳаббатидан таъсирландим.

Ўзбекистон аҳолисининг Президент сайлови бўйича ижтимоий фикрини турли ижтимоий тармоқлар орқали ўрганиб бормоқдамиз. Номзодларнинг вилоятлардаги учрашувлари, нутқларини матбуот ҳамда телевидение орқали кузатдик. Халқингизнинг сайловга муносабати, масъулияти юқори. Фуқаролар сайлов жараёнига бефарқ эмаслигини кўрсатмоқда.

Мосуд МАННАН, Бангладешнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

– Ўзбекистонда парламент сайловида ҳам иштирок этганман. Бу йил Президент сайлови жараёнларини кузатмоқдаман. Президентликка номзодларнинг таржимаи ҳоли ва дастурлари билан танишиб чиқдик. Уларнинг ҳар бири халқингизнинг маълум йўналишдаги фаровонлигини кўзда тутгани, мамлакатингизнинг нуфузини янада орттиришга бел боғлаганини кўрсатиб турибди.

Мамлакатингиз журналистлари ишини юқори баҳолаймиз. Ўзбекистон аҳолисининг сиёсий маданияти оммавий ахборот воситаларида узлуксиз ёритиб борилаётган материаллар самарасида юксалиб бормоқда. Ўзбекистон сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги мазкур сайлов порлоқ истиқболингизга хизмат қилишига тилакдошмиз.

Сафа Маҳмуд Ал ЖАНОБИ, Orient Consulting & Legal Translation компанияси бош директори (БАА):

– Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни доимо кузатиб бораман. Мамлакатингизда иккинчи бор сайловда кузатувчи сифатида иштирок этмоқдаман. Пойтахтингиздаги 14-сайлов округида бўлдик. Сайлов участкалари қай тартибда ташкил этилгани, уларнинг сайлов жараёнига тайёргарлик ҳолати ва номзодларнинг ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказгани ҳамда мазкур жараёнда илк бор қатнашаётган ёшлар билан нечоғли иш олиб борилганини ўрганиб чиқдик.

Мамлакатингизда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини амалда таъминлаш мақсадида халқаро талабларга тўла жавоб берадиган мустаҳкам тизим яратилган.

Кўчалар ва биноларда номзодларнинг плакатлари, сайловчиларни овоз беришга чорловчи шиорлар осилган. Оммавий ахборот воситалари орқали юртингиздаги сиёсий партиялар вакиллари ва номзодларнинг чиқишларини, уларнинг сайловолди ташвиқоти ва баҳс-мунозараларини кузатдик. Бу жараён ғоят қизғин ва фаол ўтаётгани сайловчиларга муносиб номзодни танлаш имконини бериши шубҳасиз.

Кузатувларимиз асносида сайлов жараёнига пухта тайёргарлик кўрилганига, хусусан, сайлов участкалари интернет тармоғига уланган компьютер, факс, нусха кўчириш аппаратлари ва бошқа жиҳозлар, ахборот-коммуникация технологиялари, тиббиёт, оналар ва болалар хоналари, овоз бериш кабиналари, сайлов қонунчилигига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, қўлланмалар, тарғибот воситалари билан таъминланганига гувоҳ бўлдик. Ўзбекистон сайловга тайёргарлик тизими умумэътироф этилган халқаро стандартларга тўла мос.

Гоус Бах Хон МАҲЕР, Покистон Миллий Ассамблеяси депутати:

– Мамлакатингизда бўлиб ўтаётган сайлов жараёнларини бешинчи бор кузатяпман. Ҳар гал келганимда ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, олижанoблиги, бебаҳо табиати, самимий инсонлари менда яхши таассурот қолдиради. Айниқса, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларнинг бетакрорлиги, шарқона гўзаллиги мени доимо ҳайратлантиради.

Маълумки, сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим қисми, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини билдиришининг асосий омили ҳисобланади. Ўзбекистондаги сайлов тизими ва қонунчилиги адолатли, мукаммал тарзда, халқаро талабларга тўла жавоб беради. Ўзбекистон фуқаролари, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданияти юксаклиги, уларнинг фуқаролик позицияси мустаҳкамлигини сайлов жараёнидаги фаол иштирокида ҳам кўриш мумкин.

Президент сайловида фуқароларнинг сиёсий фаоллиги яна бир бор намоён бўлмоқда. Сайлаш нафақат конституциявий ҳуқуқ, балки бурч, юксак фуқаролик масъулияти ҳамдир. Буни теран ҳис этган Ўзбекистон халқи муҳим сиёсий-ижтимоий жараёнга алоҳида тайёргарлик кўрганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Ву ТИНГ, Хитойнинг “The Paper” матбуот бюроси муҳаррири:

– Сайлов жараёни миллий менталитетга хос, очиқ ва ошкора, халқаро мезонларга тўла жавоб берувчи, замонавий усулда ташкил этилган. Сиёсий партияларнинг матбуот анжуманларида иштирок этдим. Улар ўртасидаги ўзаро соғлом рақобат муҳити, адолатли тарғибот-ташвиқот лойиҳаларини юқори баҳолаймиз.

Ўзбекистонда ушбу сиёсий жараёнга пухта тайёргарлик кўрилгани, халқингизнинг катта масъулияти сезилиб турибди.

Мамлакатингизда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини кафолатлайдиган миллий қонунчилик яратилганлиги, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларига мос, замонавий сайлов тизими шакллантирилганлиги таҳсинга лойиқ.

ЎзА

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Ҳиндистоннинг Жавоҳарлаъл Неру номидаги Россия ва Марказий Осиё тадқиқотлари маркази директори, профессор Санжай Кумар Пандей билан учрашув бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Сенати раисининг ўринбосари Светлана Ортиқова билан суҳбат чоғида Ўзбекистон – Ҳиндистон муносабатлари ўзаро ҳурмат ва ишонч, бир-бирининг манфаатларини инобатга олиш тамойиллари асосида изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Икки мамлакат парламентлари ва сайлов тизимидаги ўхшашликлар, бу борадаги ҳамкорлик ҳақида сўз юритилди.

Меҳмон мустақиллик йилларида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон халқи улкан ютуқларга эришганини алоҳида қайд этди.

– Мамлакатингиз ҳаётидаги оламшумул ўзгаришларни халқаро ҳамжамият кузатиб турибди, – деди профессор Санжай Кумар Пандей. – Бу йилги Президент сайлови Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан янада юксалганини намоён этмоқда.

Учрашувда томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЛОРДЛАР ПАЛАТАСИ АЪЗОСИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Буюк Британия парламенти Лордлар палатаси аъзоси Муҳаммад Илтаф Шайх билан учрашув бўлди.

Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси С.Сафоев билан суҳбатда Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий алоқалар ривожида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг хизматлари улкан экани қайд этилди.

– Ўзбекистон мустақиллиги асосчиси Ислом Каримов мамлакатни ҳар томонлама ривожлантирди, бутун минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга улкан ҳисса қўшди, – деди Муҳаммад Илтаф Шайх. – Мамлакатингиздаги тинчликпарвар сиёсат, иқтисодий тараққиёт изчил давом этишида Президент сайлови муҳим аҳамиятга эга. Учрашув ва суҳбатларимизда сайловчиларнинг ҳуқуқий маданияти, сиёсий жараёнлардан хабардорлиги ошгани яққол намоён бўлмоқда. Юксак масъулиятни ҳис этган Ўзбекистон халқи ўзига муносиб Президент сайлайди, деб ишонамиз.

Учрашувда мамлакатларимиз парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари хусусида сўз юритилди.

ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

Пойтахтимизда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистон бизнес форуми (3-босқич)” қўшма лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган Ёшлар стартап ташаббусларини қўллаб-қувватлаш дастурида ғолиб, деб топилган IT-лойиҳалар тақдимоти бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, БМТ Тараққиёт дастури, мамлакатимиз вазирлик ва идоралари, корхоналари вакиллари, бизнес соҳасидаги мураббийлар, олий таълим муассасаларининг талаба ва ўқитувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов, БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили С.Приснер ва бошқалар инновациялар диверсификация қилинган ҳамда рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришда муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Кичик фирмалар ва стартаплар эса уларни ҳаракатга келтирувчи кучга айланмоқда. Бундай тузилмалар айни пайтда Ўзбекистонда ҳам ташкил этилиб, изчил ривожлантирилмоқда. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори IT-лойиҳаларни амалга ошириш, ёш дастурчиларни қўллаб-қувватлаш, инновацион лойиҳаларни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ёшлар стартап ташаббусларини қўллаб-қувватлаш дастури ҳам шундай лойиҳалардан биридир.

Талабалар, профессор ва ўқитувчилар учун мўлжалланган ушбу дастурнинг мақсади олий таълим муассасаларида тўпланган тажрибани янада оммалаштириш учун IT-лойиҳалар билан ишлаш принципларини такомиллаштиришдан иборат. Мазкур дастурда иштирок этиш учун 33 олий ўқув юртидан 308 ариза қабул қилинган. Саралаш босқичларидан сўнг таълим, соғлиқни сақлаш, мода, умумий овқатланиш, транспорт хизматларини ривожлантириш соҳасига оид 13 лойиҳа финал босқичига чиқди.

– Кўриш қобилиятининг пастлиги ёки кўзи ожизлик ўқиш ёхуд касб эгаллашда муаммога сабаб бўлиши мумкин, – дейди “Light by knowledge” лойиҳаси раҳбари, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг тўртинчи босқич талабаси Е.Шарипова. – Бундай касалликлардан азият чекаётган инсоннинг брайль алифбосидаги зарур адабиётни топиши қийин бўлади. Лойиҳамиз брайль ёзувидан фойдаланилган китоб ва ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, кўриш қобилияти паст кишилар учун қисқа муддатли курслар ташкил этишга қаратилган. Бу эса уларга ўз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, ўқиш ёки ўз устида мустақил ишлаш учун керакли адабиётни топиш имконини беради.

Тадбирда Ёшлар стартап ташаббусларини қўллаб-қувватлаш дастури финал иштирокчилари тақдирланди.

ЎзА

МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИЛМОҚДА

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонуннинг 31-моддасига мувофиқ, сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга.

Жорий йилнинг 4 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этолмайдиган айрим фуқароларимиз муддатидан олдин овоз бериб, ўз бурч ва масъулиятини адо этмоқда.

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 104-умумтаълим мактаби биносида жойлашган 332-сайлов участкасида ҳам муддатидан олдин овоз бераётган сайловчилар учун барча қулай шароит яратилган. Ушбу сайлов участкасида тумандаги “Саховат” маҳалласи ҳудудида яшаётган 2 минг 933 сайловчи рўйхатга олинган. Уларнинг барчасига сайлов таклифномаси тарқатилган. Ҳозирги кунга қадар сайловчиларнинг саккиз нафари муддатидан олдин овоз берди. Муддатидан олдин овоз бериш жараёнлари сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилаётир.

– Халқимизнинг ҳуқуқий маданияти юксалиб бормоқда, – дейди участка сайлов комиссияси раиси Аҳатилла Ғуломов. – Бу йилги сайловда аҳолимиз ҳар доимгидан-да фаол иштирок этмоқда. Бу юртимиз равнақи, эртанги ёруғ келажагимиз учун барча бирдек масъул эканлигини фуқароларимиз янада теран англаётганидан дарак беради.

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни хизмат сафарига кетаётганлигим сабабли сайловчилар учун яратилган қулайлик – муддатидан олдин овоз бериш имкониятидан фойдаландим, – дейди Нодира Шоназарова. – Мамлакатимиз тараққиёти учун катта аҳамиятга эга бўлган ушбу муҳим сиёсий жараёнда иштирок этиб, конституциявий бурчимни бажарганимдан мамнунман.

Г.САТТОРОВА

Инна СТЕЦЕНКО:

КАТТА ИРОДА КУЧИГА ЭГА ХАЛҚ ЮКСАКЛИККА ЭРИШАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сайлов куни участкага овоз бериш учун кела олмайдиган фуқаролар, яъни кексалар, беморларнинг алоҳида рўйхати шакллантирилгани диққатга сазовор. Демак, шу куни сайлов участкаси ходимлари уларнинг ҳузурига сайлов қутисини олиб бориб, овоз беришига имкон яратади. Бу барча фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқидан фойдаланишини таъминловчи муҳим чора-тадбирдир.

– Ўзбекистон хотин-қизлари ва ёшлари ҳақида қандай фикрдасиз?

– Ўзбекистонда хотин-қизлар ва ёшлар алоҳида эътибордалигини ҳар қадамда учратиш ва кўриш мумкин. Сайлов участкалари аъзоларининг ярмига яқини хотин-қизлардан иборатлиги, парламентда улар учун квота ажратилгани бунинг яққол далилидир.

Тошкентда бўлиб ўтган Ёшлар симфоник оркестри концертида, Гулистон давлат университетида бўлганимда Ўзбекистон ёшларининг иқтидори ва интилишларига ҳавасим келди. Уларнинг бахти ва омади бақувват миллий илдизларига таянган ҳолда юксакликка интилаётганидадир. Истеъдодли ўзбек ёшларининг саҳнадаги чиқишлари олқишга муносиб.

Ёшларнинг сайловга муносабати алоҳида таҳсинга лойиқ. Илк бор сайловда иштирок этаётган ёшлар ўзи овоз берадиган участкаси ҳақида аниқ маълумотга эга. Бу сайлов кампанияси давомида юқори даражада тарғибот ишлари олиб борилганини кўрсатади. Янада эътиборлиси, ёшларнинг сайловда иштирок этишга иштиёқи баландлиги.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон барча соҳада ривожланмоқда. Миллий қонунлар халқаро стандартларга мувофиқлашаётгани, энг илғор тажрибаларни қўллашга бўлган интилиш, дўстона кайфият ютуқларга йўл очаётир. Шунинг учун бу юрт тинч ва осойишта. Ана шундай юксак ютуқларни Биринчи Президентингиз Ислом Каримов раҳнамолигида қўлга киритган халқингиз бундан буён ҳам юксак марраларга эришишига шубҳа йўқ.

Норгул АБДУРАИМОВА
суҳбатлашди

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун



Мактабда ҳуқуқ фани ўқитувчимиз биринчи дарсданоқ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ёдлата бошлаган. Ўша пайтда буни тўла тушунмай ё эркалик қилиб "устоз, ҳуқуқ фанини ўтақолайлик", деганмиз.

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ АЗИЗ ЖИҲАТЛАРИ...

Ўқитувчимиз "Конституцияни билсангиз ҳуқуқ фанини ҳам билган бўласиз. Мамлакатимиздаги барча қонунлар, қарорлар Бош Қомусимизга асосланади. Конституция ҳар бир соҳада, бутун умр керак бўлади", деганди.

Ўша ғўр болалар бугун улғайган. Ўқишларни битириб, бирор касбнинг бошини тутган. Озми-кўпми ютуқларга эришган. Чунки улар ўз ҳуқуқларини, айни пайтда бурчларини ҳам яхши билади.

Аслида инсонни инсон қиладиган шу икки тушунча. Давлатимиз бизга кўпдан-кўп ҳуқуқлар берган, шароит яратган, ўз ҳимоясига олган. Биз бурчларимизни бажариш билан ушбу ғамхўрликка жавоб қайтарамиз, мамлакатимиз тинчлиги ва фаровонлигига ҳисса қўшамиз.

Ҳақиқатан ҳам, Конституциямиз принциплари ҳар бир соҳада, ҳар қадамда намоён.

Дунёнинг сиёсий харитасини кўриб қолсак, беихтиёр Ўзбекистонни излаймиз. Жаҳонда ўз ўрнимиз, мустақил мамлакатимиз борлигидан фахрланамиз. "Ўзбекистон – суверен демократик республика", "Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир", "Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир" деган қоидалар ёдимизга тушади.

Халқимиз – кўпмиллатли. Маҳалла-қўйда, ўқишда, ишда турли миллат вакиллари билан дўст бўлиб қолганмиз. Биз уларнинг байрамларида қатнашамиз, улар бизга қўшилиб наҳорда ошга боради. Меҳр-оқибатни, урф-одатниям жойига қўяди.

Бунинг замирида "Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади", "Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади", деган инсонпарвар тамойиллар ётади.

Ҳар биримизнинг ҳаётдан мақсадимиз, яхши ниятларимиз бор. Конституциямизда белгиланган иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар уларга эришишимиз учун шароит яратган. Ҳар ким билим олиш, эркин касб танлаш, меҳнат қилиш, мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга.

Кунда-кунора ёшларимизнинг халқаро олимпиадаларда улкан ютуқларни қўлга киритганини кўрамиз, эшитамиз. Мамлакатимиз селекционерлари кашф этган технология жаҳон миқёсида шов-шув бўлганини ўқиб фахрланамиз. Беихтиёр Конституциямиздаги "Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади", деган қоида ёдимизга тушади.

Барча ўзи қизиққан, билим ва лаёқати етган иш билан машғул. Деҳқон мўл ҳосил етиштирганидан, тадбиркор маҳсулот ишлаб чиқаргани ёки хизмат кўрсатганидан манфаатдор. Шу боис бозорларимиз тўкин ва фаровон, эҳтиёжимиз учун зарур ҳамма нарса бор. Чунки "Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди".

Бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин. Устозимиз тўғри айтган экан: мамлакатимиздаги барча тизимлар Конституциямизга асосланади. Қайси соҳага қарамайлик унинг моддалари ёдимизга тушади.

Конституциямизнинг яна бир муқаддас жиҳати бор – у бизга Биринчи Президентимиз Ислом Каримовни эслатиб туради. Буюк Йўлбошчимиз демократик талаблар ва халқаро мезонларга тўлиқ жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий муаллифи эди.

Йиллар, асрлар ўтаверади. Конституциямиз мамлакатимиз мустақиллиги, тинчлиги ва фаровонлигининг асоси бўлиб абадий қолади. Ўзбекистон фарзандлари юз йилларлардан кейин ҳам Бош Қомусимизни ўқиганда уни ўз қўллари билан ёзган, минг бор ўйлаб бир кесган боболари Ислом Каримовни ёдга олади.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА шарҳловчиси

БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллиги муносабати билан жойларда тадбирлар, давра суҳбатлари ва очиқ мулоқотлар бўлиб ўтмоқда.

Чилонзор туманидаги 131-умумтаълим мактабида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир "Бахтимиз қомуси" деб номланди.

Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи маъмурияти томонидан Республика "Оила" илмий-амалий маркази ва Чилонзор туманидаги "Катта Дўмбиробод" маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда ўқитувчилар, ўқувчилар, санъаткорлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққанлар, Конституция жамият ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий йўналишлардаги асосий қоидалар ва тамойилларнинг ифодаси эканлигини таъкидлади.

Жумладан, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг самараси, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида фикр юритилди.

Шу билан бирга, Конституция, фуқаролар эркинликларини мустаҳкамловчи, кафолатловчи олий юридик кучга эга бўлган Асосий қонун эканлиги ҳам қайд этилди.

– Конституция — мамлакатнинг демократик йўлда ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатидир, – дейди Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи бўлим мудири Азамат Ҳамраев. – Мазкур ҳуқуқий ҳужжат инсон ҳуқуқлари ва барқарорлигини таъминлайди. Бахтимиз қомуси бўлмиш Конституцияни ҳар бир фуқаро яхши ўзлаштириши ва унга қатъий риоя қилиши шарт. Ўтган давр мобайнида юртимизда ҳуқуқий демо-кратик давлат, фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни шакллантириш, халқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашда Асосий Қонунимиз мустаҳкам замин бўлиб келмоқда. Боғ маъмурияти томонидан ушбу байрамни муносиб нишонлаш мақсадида бир нечта лойиҳаларни режалаштирганмиз. Айни байрам куни боғимизда қатор викторина ўйинлари ташкил этилади. Бунда иштирокчиларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимлари синовдан ўтказилади.

Тадбир доирасида "Конституция — мамлакатни демократик йўлда ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатидир" мавзуида маъруза тингланди. Шу билан бирга мактаб ўқувчиларининг байрамга бағишланган бадиий чиқишлари ҳам намойиш этилди.

Тадбир доирасида Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи қошида фаолият юритаётган "Улуғбек юлдузлари" ансамбли хонандалари ҳамда "Дурдона" фольклор-этнографик жамоаси қатнашчиларининг концерт дастурлари ҳам йиғилганларга бирдай манзур бўлди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"AUTO MEGA TRADE" МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари тақроран қўйилмоқда:

I. Тошкент шаҳар Миробод тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази омборида сақланаётган:

* 2016 йил 6 сентябрь кунидаги 22026/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, 2010 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01H056FA, бошланғич баҳоси – 22 260 000 сўм бўлган, "Матиз" русумли техник носоз;

* 2016 йил 6 сентябрь кунидаги 22028/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, 2006 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01Z936LA, бошланғич баҳоси – 22 526 588 сўм бўлган, "Матиз" русумли техник носоз;

* 2016 йил 6 сентябрь кунидаги 22039/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1988 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01K681MA, бошланғич баҳоси – 5 455 173 сўм бўлган, "Ниссан Блюберд" русумли техник носоз;

* 2016 йил 20 июль кунидаги 16870/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, 2010 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01A361GA, бошланғич баҳоси – 22 594 880 сўм бўлган, "Матиз Бест" русумли техник носоз;

